



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING**

**BUYRUG‘I**

20 23 yil “ 11 ” avgust

№ 197

Toshkent sh.

**Вазирлар Маҳкамасининг “Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 4 июлдаги 272-сон қарори ижроси тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамасининг “Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 4 июлдаги 272-сон қарори ижросини таъминлаш мадсадида буюраман:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 4 июлдаги 272-сон қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази тўғрисидаги устав иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси (Б.Юсупалиев) бир ҳафта муддатда Марказ уставини давлат рўйхатидан ўтказилишини ва тўлақонли фаолият олиб бориши учун Ўзбекистон Республикаси герби туширилган муҳр, бланка, ташки баннерлари тайёрланишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б.Қ.Юсупалиев зиммасига юклансин.

Вазир



А.Иноятов

Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2023 йил "11" 08 даги  
197 -сонли буйруғига  
илова

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги  
соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш  
маркази тўғрисида  
УСТАВ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси (кейинги ўринларда – Муассис) ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказининг (кейинги ўринларда – Марказ) мақоми, мақсади, вазифалари ва фаолияти асосий йўналишларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказ Муассис тизимидаги ташкилотлар ходимларини, шартнома асосида жисмоний шахсларни (кейинги ўринларда – тингловчилар) қайта тайёрлайди ва уларнинг малакасини оширади, шунингдек санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бўйича шартнома асосида турли соҳа ходимларининг малакасини оширишни таъминлайди.

3. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, ушбу Уставга асосан амалга оширади.

4. Марказ Муассиснинг давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил тузилмаси бўлиб, ўз мустақил балансига эга, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкларда ҳисоб-китоб рақамлари ва валюта ҳисоб рақамларини, шахсий газна ҳисоб рақамларини очади, Марказнинг тўлиқ номи ёзилган гербли муҳрга, штампларга ва бланкаларга эга бўлади.

5. Марказ бевосита Муассисга бўйсунди. Муассис Марказ фаолиятига раҳбарлик қилади.

6. Марказнинг расмий номи:

а) давлат тилида – Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi sohasida kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish markazi, кискартмаси – Sanepid malaka oshirish markazi;

б) рус тилида – Центр переподготовки и повышения квалификации кадров в сфере санитарно-эпидемиологического благополучия и

общественного здоровья, кискартмаси - Санэпид Центр повышения квалификации;

в) инглиз тилида – The Center for retraining and professional development of personnel in the field of sanitary-epidemiological welfare and public health, кискартмаси - Sanepid Retraining center.

7. Марказнинг жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 46-уй.

## **2-боб. Марказнинг асосий мақсади, вазифалари ва функциялари**

8. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ушбу йўналишда ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий-методик ишларни амалга ошириш Марказ фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

9. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

жамоат саломатлиги ва касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигига оид фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш, соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнига инновацион технологиялар ҳамда илғор хорижий тажрибани жорий этишга мўлжалланган ўқув режаси ва дастурларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш;

халқаро эътироф этилган ташкилотларда аккредитациядан ўтган ўқув дастурлари асосида қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўқув-методик хужжатларини ишлаб чиқиш;

соҳадаги етакчи профессор-ўқитувчилар ҳамда тажрибали амалиётчи мутахассисларни таклиф этган ҳолда, инновацион технологияларга асосланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш;

шартнома асосида тегишли йўналишлар бўйича хорижий олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнига жалб этиш;

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасининг илғор ютуқлари, масофадан ўқитиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда малака оширишнинг инновацион шаклларини жорий этиш, ўқув-методик ресурсларни ишлаб чиқиш, таълим дастурларини такомиллаштириш;

турли соҳа ходимларининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бўйича тўлов-контракт асосида малакасини ошириш;

тармоқнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли асосда жорий этиш;

идоралараро ҳамкорлик қилиш, шу жумладан, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида фавқулодда

ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича машқлар ва машғулотлар ўтказиш;

ҳалқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, анжуманлар, кўрғазмалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш орқали санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида мамлакатимиз ютуқларини халқаро даражада кенг ёритиш, хорижий таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш.

**10.** Марказ ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

*а) жамоат саломатлиги ва касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигига оид фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш, соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш йўналишида:*

давлат таълим талаблари ҳамда касбга доир билим ва кўникмаларга қўйилган талаблар асосида меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида қўшимча ихтисослик бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш;

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ривожлантириш истиқболларини прогнозлаштириш, давлат ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда катнашиш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ҳамда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлигини таъминлаш соҳасида мутахассисларнинг билимларини ошириш;

илғор хорижий тажрибани жорий этиш мақсадида санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрлар малакасини мунтазам равишда ошириб бориш учун қисқа муддатли ва мақсадга йўналтирилган курсларни ташкил этиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурлари тизимли равишда такомиллаштирилишини таъминлаш;

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги йўналиши бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш;

*б) қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнига инновацион технологиялар ҳамда илғор хорижий тажрибани жорий этишга мўлжалланган ўқув режаси ва дастурларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш йўналишида:*

хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, шунингдек инновацион технологияларни қўллаш орқали санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнини ташкил этиш;

хорижнинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда халқаро илмий натижаларни санитария-эпидемиологик осойишталик ва

жамоат саломатлиги бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига татбиқ этиш;

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан белгиланган тартибда ўзаро манфаатли ҳамкорлик фаолиятини амалга ошириш;

*в) халқаро эътироф этилган ташкилотларда аккредитациядан ўтган ўқув дастурлари асосида қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўқув-методик ҳужжатларини ишлаб чиқиш йўналишида:*

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича мутахассисларнинг билим ва касбий малакасини янада ошириш мақсадида халқаро эътироф этилган ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш;

хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда халқаро эътироф этилган ташкилотларда аккредитациядан ўтган ўқув дастурлари асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил қилиш ва ўқув-методик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ўқув жараёни амалиётига жорий қилиш;

*г) соҳадаги етакчи профессор-ўқитувчилар ҳамда тажрибали амалиётчи мутахассисларни таклиф этган ҳолда, инновацион технологияларга асосланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этиш йўналишида:*

ўқув жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш;

санитария-гигиеник йўналишдаги мутахассисларнинг замонавий техника ва технологиялар билан ишлаш борасидаги касбий кўникмаларини ривожлантириш;

ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва дастурлари тизимли равишда такомиллаштирилишини таъминлаш;

илмий кадрлар тайёрлаш мазмуни ва сифатини такомиллаштиришга, касбий, маънавий-ахлоқий савиясини ошириш, санитария-гигиеник таълим тизимига илғор педагогик технологияларни жорий этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Муассисга киритиш;

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасидаги кадрларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириш жараёнларини мунтазам назорат қилиш ва шахсий ҳисобини юритиш, масофадан ўқитиш курсларини ташкил этиш имкониятини таъминловчи электрон платформани жорий этиш;

*д) шартнома асосида тегишли йўналишлар бўйича хорижий олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларига жалб этиш йўналишида:*

хорижий давлатлар ва Ўзбекистоннинг малакали амалиётчи мутахассисларини таълим жараёнига жалб этган ҳолда санитария-

эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрлар таркибининг касбий тайёргарлигини узлуксиз ривожлантириб бориш;

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрларни тайёрлашнинг инновацион методикаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий-амалий ва тадқиқот ишлари учун хорижий мутахассисларини жалб этиш;

*е) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасининг илгор ютуқлари, масофадан ўқитиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда малака оширишнинг инновацион шакллари жорий этиш, ўқув-методик ресурсларни ишлаб чиқиш, таълим дастурларини такомиллаштириш йўналишида:*

ўқув жараёнининг методик ва ахборот базасини янгилаш ҳамда такомиллаштириш, шунингдек ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш;

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларининг илмий муаммоларига йўналтирилган фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланишлар олиб борилишини мувофиқлаштириш;

таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олган ҳолда ижодий тафаккурни ривожлантиришга қаратилган ўқитишнинг интерфаол усулларидан фойдаланиш орқали санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув режалари ва дастурларни, ўқув-методик ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича халқаро тажрибани, шунингдек санитария-гигиеник таълим бўйича жаҳоннинг энг яхши муассасалари ютуқларини умумлаштириш асосида илмий асосланган инновацияларни жорий этиш;

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасидаги кадрларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириш, масофадан ўқитиш курсларини электрон платформа орқали ташкил этиш, шунингдек мазкур платформани хорижий таълим ресурслари билан интеграция қилиш;

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда таълим жараёнининг юқори даражасини таъминлаш, илмий-тадқиқотларга интилиш, мустақил фикрлаш кўникмалари ва ижодий маҳоратни ривожлантириш;

*ж) турли соҳа ходимларининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бўйича тўлов-контракт асосида малакасини ошириш йўналишида:*

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бўйича шартнома асосида турли соҳа ходимларининг малакасини ошириш;

давлат таълим талаблари ҳамда касбга доир билим ва кўникмаларга қўйилган талаблар асосида меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасидаги,

шунингдек бошқа соҳалардаги кадрлар учун кўшимча ихтисослик бўйича тўлов-контракт асосда қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш;

*з) тармоқнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли асосда жорий этиш йўналишида:*

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрларнинг ўз соҳасини билишини ривожлантириш ва малакасини оширишда ўқитишнинг интерфаол ва замонавий усулларини, методик материаллар, ёрдам кўрсатишнинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига жорий этиш;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг самарали шаклларини (тўғридан-тўғри малака ошириш, илмий-тадқиқот муассасасида тажриба орттириш, хорижда тажрибага эга бўлиш, мустақил ўқиш билим олиш, масофавий таълим ва бошқа шаклларни) жорий этишнинг илмий ва ташкилий-методик асосларини ишлаб чиқиш;

турли хил методик материаллар тайёрлаш, педагогик ва илмий-методик ахборотни умумлаштириш ва тарқатиш, журналлар, газеталар, тўпламлар, тавсияномалар ва қўлланмалар нашр этиш;

миллий ва халқаро илғор тажрибадан фойдаланган ҳолда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрлар маҳоратини ошириш дастурлари, методик тавсияномалар, қўлланма ҳамда илмий-методик ишланмалар билан таъминлаш;

давлат таълим талаблари, ўқув режалари, дарсликлар ва ўқув-методик материалларни ўрганиш ҳамда муҳокама қилиш, таклифлар киритиш ва Марказнинг кузатув кенгашида ҳулосалар қабул қилиш;

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг ўқув-методик базасини шакллантириш ҳамда уларга ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича тегишли бўлимлар ҳисоботларининг муҳокамасини ташкил этиш, муҳокама натижалари юзасидан ўқув жараёнини янада такомиллаштириш чораларини кўриш;

*и) идоралараро ҳамкорлик қилиш, шу жумладан, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича машқлар ва машгулотлар ўтказиш йўналишида:*

ўқитишнинг замонавий шаклларини, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда меҳнат фаолиятини олиб боришда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги муассасаларига методик ёрдам кўрсатиш;

таълим жараёни сифатини оширишга, тингловчилар қобилиятларини ривожлантириш ва рағбатлантиришга қаратилган тадбирлар (конференциялар, семинар-тренинглар, танловлар) ташкил этиш;

к) халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, анжуманлар, кўرғазмалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш орқали санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида мамлакатимиз ютуқларини халқаро даражада кенг ёритиш, хорижий таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш йўналишида:

соҳадаги халқаро тажрибаларни санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига татбиқ этиш;

Марказ ходимларини халқаро илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиши, фан ва амалиёт, ўқитиш методикаси ва технологиясининг долзарб муаммоларини ҳал этишга ва ўқув-тарбия жараёнининг юқори сифатини таъминлашга йўналтирилган долзарб мавзулари, инновацион йўналишлари бўйича халқаро микёсдаги анжуманлар, давра суҳбатлари, семинарларда илмий ёки илмий-методик маърузалар (ахборотлар) билан чиқишини ташкил этиш;

мамлакатимизнинг ва хорижнинг соҳа бўйича малакали мутахассисларини таълим жараёнига жалб этган ҳолда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрларнинг касбий тайёргарлигини узлуксиз такомиллаштириб бориш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштиришлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиш;

халқаро даражадаги ёш профессионал кадрларни тайёрлаш учун уларнинг кўникма ва билимларини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ўқитиш дастурлари ва услубларини жорий этиш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида мамлакатимиз ютуқларини халқаро даражада кенг ёритиш;

форумлар, конференциялар, симпозиумлар, кўрғазмалар ва бошқа илмий-амалий тадбирлар ўтказиш, санитария-гигиеник йўналишдаги хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш;

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан белгиланган тартибда ўзаро манфаатли ҳамкорлик фаолиятини олиб бориш.

### **3-боб. Марказнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

#### **11. Марказ қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

Марказ профессор-ўқитувчилари ўқув-услубий ва илмий фаолияти бўйича вақт меъёрларини, шунингдек, улар учун чекланган ўқув юкларини Муассис билан келишган ҳолда мустақил белгилаш;

Марказга шартнома асосида (шу жумладан, соатбай ҳақ тўлаш асосида) ўқитувчи ва амалиёт ходимлари (экспертлар)ни жалб этиш;

тегишли вазирлик, идоралар ва бошқа ташкилотлардан статистикага оид маълумотлар ҳамда зарур материалларни олиш учун мурожаат қилиш;

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув-услубий ишларни белгиланган тартибда ташкил қилиш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ўқув-услубий, илмий-амалий ва маданий алоқаларни ривожлантириш, тажриба алмашиш юзасидан ҳамкорлик қилиш мақсадида олий таълим муассасалари ҳамда хорижий давлатлар муассасалари билан шартномалар тузиш;

ажратилган бюджет маблағлари ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда зарур жиҳоз ва анжомларни сотиб олиш;

аҳолига, турли ташкилотларга пуллик таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ва асосий фаолиятга зид бўлмаган фаолиятнинг барча турларини амалга ошириш;

ноширлик фаолиятини белгиланган тартибда амалга ошириш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳаси бўйича даврий, илмий-назарий ва амалий нашрлар чиқариш;

ўқув жараёни ҳамда ўқув-услубий ишларга юқори малакали олимларни, тажрибали амалиётчи ходимлар ва хориждан мутахассисларни шартнома асосида (шу жумладан, соатбай ҳақ тўлаш асосида) жалб қилиш;

ўқув дастурлари, дареликлар, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар, илмий мақолалар тўпламларини нашр қилиш;

Муассис ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан келишилган ҳолда ўқув дастурларини мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, профессор-ўқитувчилар таркибини белгилаш;

халқаро конференция, симпозиум, семинар ва анжуманларни ташкил қилиш ҳамда уларда иштирок этиш;

ходимларни ўқитиш, семинарлар ва конференцияларда катнашиш учун хорижга тажриба алмашиш ва инновацион педагогик технологияларни ва илғор методикаларни ўрганиш бўйича тажриба орттиришга юбориш;

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳаси бўйича олий таълимдан кейинги таълим институти, магистратура ва клиник ординатура ташкил қилиш;

Марказ қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **12. Марказ:**

ўзига юкланган вазифа ва функцияларни самарали бажариши;

ўзи қабул қилган қарорлар ҳамда буйруқларни ўз вақтида, сифати ва тўлиқ бажариши;

фаолиятини ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурлар, чора-тадбирлар режаси, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатлар ижросини самарали ташкил этиши ва бажариши;

ўзига бириктириб берилган мулклар, шу жумладан, кўчмас мулклардан мақсадли фойдаланиши;

ўзига юкланган вазифа ва функциялар доирасида фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши шарт.

Марказга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

**13.** Марказ ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги маблағлар билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Муассис Марказнинг мажбуриятлари юзасидан субсидияр жавобгар бўлади.

**14.** Марказ Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

**15.** Марказ давлат активларини, шу жумладан, уларнинг товар-моддий бойликлари ва бошқа мол-мулкларининг бут сакланиши бўйича моддий жавобгар ҳисобланади.

#### **4-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш**

**16.** Марказ фаолиятига Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

Марказ директорининг ўринбосари Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Марказ директори — олий таълим муассасаси факультети деканига, директор ўринбосари — олий таълим муассасаси факультети декани ўринбосарига, Марказнинг бошқа ходимлари — олий таълим муассасаларининг тегишли лавозимларига тенглаштирилади.

**17.** Марказ директори:

Марказ номидан ўз фаолиятини олиб боради, Марказнинг молия-хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади, шартномаларни имзолайди, ишончномалар беради;

директор ўринбосари ва ходимлар ўртасида Марказ тузилмасига мувофиқ вазифаларни тақсимлайди;

ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

ўз ваколати доирасида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ буйруқлар чиқаради ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;

Марказ фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида мутахассисларни Марказнинг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан шартнома асосида ишга жалб қилади;

Марказ ходимларини муқофотлайди ва зарур ҳолларда уларга нисбатан интизомий чоралар қўллайди;

илмий кенгаш, конференция, симпозиум, семинар ва анжуманларда Марказ номидан қатнашади;

Марказ фаолияти учун жавоб беради.

Марказ директори конунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқук ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

**18.** Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш ва ўқув жараёнларини назорат қилиш мақсадида Марказда директор раислигида кузатув кенгаши ташкил этилади.

Кузатув кенгаши Марказ директори томонидан тасдиқланган низом асосида фаолият юритади.

Кузатув кенгаши таркиби Марказ директорининг буйруғи билан тасдиқланади. Кенгаш таркибига директор ўринбосари, унинг кафедра ва бўлимлар раҳбарлари, шунингдек, соҳада фаолият юритувчи етакчи профессорлар ва ўқитувчилар, санитария-гигиеник муассасалар вакиллари киритилиши мумкин.

Кузатув кенгаши раиси ва котиби кенгаш қарорлари бажарилишининг мунтазам равишда мониторингини олиб боради ва қабул қилинган қарорлар ижроси тўғрисида кенгаш аъзоларига ҳисобот беради.

Кузатув кенгаши аъзолари кенгаш мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар тўғри ва аниқ бажарилиши учун жавоб беради.

Кузатув кенгашининг иш тартиби Марказнинг йиллик иш режасига мувофиқ ташкил этилади.

**19.** Кузатув кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Марказ, унинг кафедралари ва бўлимлари режалари ва ҳисоботларини кўриб чиқиш, Марказ фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўқув иш режалари ва курслар дастурларини, тавсияларни муҳокама қилиш;

Марказ илмий-методик ва ташкилий ишларининг асосий йўналишларини таъминлаш ва белгилаш, самарали қайта тайёрлаш ва малака ошириш, илмий-тадқиқот фаолиятини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш;

Марказда қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг давлат таълим талабларига мувофиқлиги, ўқув режалари ва дастурлар бажарилишини кўриб чиқиш;

дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий, ўқув-методик адабиётларни тасдиқлаш ва чоп этиш масалаларини кўриб чиқиш.

### **5-боб. Марказ раҳбарларининг асосий функционал вазифалари**

**20.** Қуйидагилар Марказ директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

2) Марказнинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва бошқа

конунчилик хужжатлари билан Марказга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг хужжатлари билан тасдиқланган Марказ фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини чуқур таҳлил қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ва унинг ўринбосарлари, шунингдек Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси топшириқларини бажариш;

5) ўз ўринбосари ва Марказнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Марказ таркибий бўлинмалари мансабдор шахсларининг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

6) Марказнинг фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Марказнинг ва ўз ўринбосарининг иш режасини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

7) Марказ ходимларининг тизимли равишда малакасини оширишни ташкил этиш;

8) Марказнинг ходимларини танлаб олиш ва лавозимга тайинлаш, уларнинг самарали ишлаши учун зарур шароитларни яратиш, ходимлар захирасини ташкил этиш;

9) Марказга ишга қабул қилинаётган кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

10) Марказ ходимларининг хизмат сафарларини конунчилик хужжатлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

11) ўз ўринбосари, таркибий бўлинмалар фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, таркибий бўлинмалар иш режаларини тасдиқлаш, ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

12) Марказ ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

13) Марказ ходимлари томонидан Марказ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

14) “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Марказ тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

15) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари

тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакиллари мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

16) давлат сирига қиритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

17) Марказ ходимларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

18) Марказ ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг ижросини белгиланган тартибда назорат қилиш;

19) Марказ штат жадвалини қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқлаш;

20) Марказ таркибий бўлинмаларининг низомларини тасдиқлаш.

**21.** Қуйидагилар Марказ директори ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) Марказ директори вақтинча бўлмаганда унинг вазифасини Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раисининг тегишли буйруғи асосида бажариш;

3) Марказнинг таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан тасдиқланган Марказ фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини чуқур таҳлил қилиш;

5) таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ва ушбу вазифаларни сифатли бажариш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) Марказ директорининг буйруқлари ва топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) таркибий бўлинмаларга ходимларни танлаш ва лавозимга тайинлаш бўйича Марказ директорига таклифлар қиритиш, ўз касбининг устаси эканлигига, юқори касбий малакага, амалий иш тажрибасига ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эгаллигига қафолат бериш, уларнинг касбий малакаларини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ходимлар захирасини шакллантириш;

8) хизмат сафарларини қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

9) таркибий бўлинмалар бошлиқлари фаолиятининг самарадорлигини ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, уларнинг

шахсий ҳисоботларини эшитиш, унинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

10) таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлик масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни директорга киритиш, функционал ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;

11) ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

12) “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

13) жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

14) давлат сирини киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

## **6-боб. Марказнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги**

22. Марказ ўз вазифа ва функцияларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

23. Марказ ўз ваколатлари доирасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари билан санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малақасини ошириш бўйича ҳамкорликда фаолият юритади.

## **7-боб. Марказ фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда индикаторларини белгилаш тартиби**

24. Марказ фаолияти самарадорлиги мунтазам равишда баҳоланишдан ўтказилади.

25. Марказ фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Марказ фаолиятини баҳолаш мезонларига ҳамда

унинг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини аниқловчи индикаторларга асосланади.

**26.** Марказ фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича:

Марказ раҳбар ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (тақдирлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари белгиланади;

Марказ фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

### **8-боб. Марказнинг мол-мулки**

**27.** Қуйидагилар Марказнинг мулки ҳисобланади:

Муассис томонидан Марказга оператив бошқарув ҳуқуқи билан бириктирилган мулк;

конунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда ўз маблағлари;

конунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилган мулклар.

**28.** Марказ конунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ва мол-мулкнинг мақсадига мувофиқ ўзига бириктирилган мол-мулкка эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, бунда бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

**29.** Марказнинг мулки Марказ ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

**30.** Марказнинг мулки қуйидаги ҳолларда конунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда Муассис билан келишган ҳолда тасарруф этилади:

асосий воситаларни сотиш, ҳисобдан чиқариш (бинолари ва иншоотлари, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган бинолари ва иншоотларидан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бўлинмалари, қурилиш соҳасидаги лойихалаштириш ташкилотлари, махсус лицензияга эга бўлган ташкилотлар ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг ҳулосасига мувофиқ яроқсиз деб топилган ҳамда ваколатли органлар томонидан бузиш тўғрисида қарор қабул қилинган кўчмас мулк объектларини бузиш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари розилиги билан автотранспорт воситаларини харид қилиш, бино ва иншоотларни сотиб олиш ва/ёки қуриш;

мулкни Марказ фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

Бино ва иншоотлар (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар), шунингдек, Марказга тегишли акциялар (улушлар) Давлат

активларини бошқариш агентлиги томонидан сотилади, Тикланиш ва тараккиёт жамғармасига тегишли мол-мулклар (бино ва иншоотлар, акциялар, улушлар ва бошқалар) ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бунда бино ва иншоотларни (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган бинолари ва иншоотларни), шунингдек, Марказга тегишли акцияларни (улушларни) сотишдан тушган маблағлар уларни сотиб олиш манбаларидан қатъи назар, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

**31.** Марказнинг бино ва иншоотлари (шу жумладан, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлари), автотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини сотиш ва ижарага бериш, шунингдек, уларга тегишли акцияларни (улушларни) сотиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда “E-auction” электрон савдо платформасида аукцион савдолари орқали амалга оширилади.

**32.** Марказнинг оператив бошқарувида бўлган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар, шунингдек, Марказнинг шартнома бўйича ёхуд бошқа асосларда вужудга келган мол-мулки ҳам унинг оператив бошқарувига ўтади.

### **9-боб. Марказ фаолиятини молиялаштириш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш**

**33.** Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари;  
илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижаларига кўра ажратиладиган грантлар;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;  
ҳалқаро грантлар, шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

**34.** Марказ ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, кўшимча ҳақлар, устамалардан ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат бўлади.

**35.** Марказ ходимлари лавозим маошларига ҳар ойда кўшиладиган рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган устамалар ва кўшимча ҳақлар Муассис томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ тўланади.

**36.** Марказнинг Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнини ташкил этиш бўлими, Ўқув жараёни мониторинги ва сифатини баҳолаш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими, Халқаро тажрибани ўрганиш, ўқув-машғулот жараёнига замонавий илмий методикани

татбиқ этиш бўлими бошлиқлари лавозимлари Олий таълим муассасаларининг тегишлича Ўқув-услубий бўлими, Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, Илмий-тадқиқот ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлимларига тенглаштирилади.

### **10-боб. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**37.** Муассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Марказ ваколатига қирадиган масалалар бўйича қарорлар, буйруқлар ва кўрсатмалар чиқариш, зарур бўлганда, бошқа давлат ташкилотлари билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

Марказнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичлари, даврий иш режаларини ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини тасдиқлаш, уларнинг натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, ҳисобот яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш, бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Марказ директори билан меҳнат шартномасини тузиш ёки тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатидан олдин тўхтатиш;

Марказнинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва белгиланган тартибда тасарруф этиш;

ўз таркибига қирадиган ташкилотларга тегишли давлат кўчмас мулки объектларини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиш тўғрисида Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишувга кўра қарор қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Марказни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Марказнинг мулкига оид битимларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш, шунингдек, Марказга етказилган зарарларни ундириш тўғрисида ушбу Марказ раҳбарига нисбатан судга даъво аризаси киритиш.

Муассис қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**38.** Муассис:

Марказнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичлари, даврий иш режаларини ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари бажарилиши бўйича ҳисоботини эшитиши ва уларнинг бажарилишини доимий назорат қилиши;

Марказга берилган давлат мулкидан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек, унинг бегоналаштирилишини назорат қилиши;

давлат мулки объектларини сақлаш ва бўш турган қисмидан самарали фойдаланишни ташкил қилиши шарт.

Муассисга конунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

### **11-боб. Ҳисобга олиш ва ҳисобот**

**39.** Марказ конунчилик хужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уларни Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигига тақдим этади, хужжатларнинг бутлиги ва келишилган рўйхатга мувофиқ давлатга саклаш учун топширилиши учун жавоб беради.

**40.** Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш иктисодиёт ва молия органлари, солиқ хизмати органлари, бошқа давлат органлари томонидан уларнинг ўз ваколати доирасида, шунингдек, конунчилик хужжатларида назарда тутилган тартибда аудитор ташкилотлар томонидан улар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

### **6-боб. Яқунловчи қоида**

**41.** Марказ фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш конунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.